



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бугун пойтахтимиз том маънода қурилишлар майдонига айланган. Янги-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, рагон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиббонлар фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор туманида Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприкни бориб кўрди.

Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш, пиёдалар учун қулайлик яратиш мақсадида кўплаб кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилмоқда. Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприк шулардан биридир.

Шавкат Мирзиёев гося ва ташаббуси билан бунёд этилган ушбу иншоот қадим Тошкентнинг тарихий жойбасини сақлаган ҳолда, уни янгилаш, замонавий мегаполисга айлантириш, пировардида аҳолининг узогини яқин қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан қурилган йўл ўтказгичнинг умумий узунлиги 667,5 метр, эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баландлиги 8 метр, кенлиги 24,5 метр. Кўприкда автомобиллар 6 қаторда ҳаракатланади. Шунингдек, 124 метрлик иккита пиёдалар ўтиш кўприги қурилди. Ногирон ва кексаларга қулайлик яратиш мақсадида лифт ва эскалатор ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар билан мулоқот қилди.

– Мамлакатимизда кўприк қуриш бўйича ўзига хос мактаб яратилди, – деди Президентимиз. – Ушбу кўприкни барпо этган бунёдкорларга алоҳида миннатдорлик билдираман. Бундан кейин қуриладиган кўприклар ҳам сифатли, жуда пухта бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, кўприклар ҳам бизнинг бунёдкорлик тимсолимига айланмоғи зарур.

Объект қурилишида 50 га яқин техника, 250 дан зиёд ишчи-ходим иштирок этди. Йўл ўтказгич қурилишида 35,7 минг куб метр тўполқон, 42,6 минг куб метр бетон ишлари бажарилди. Худудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, атроф кўкаламзорлаштирилди ва манзарали дарахтлар ўтказилди.

Янги иншоотни лойиҳалаштиришда ёритиш тизими ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, кўприкка жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган энергия тежайдиган жиҳозлар ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев бундай иншоотларни қулайлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан пухта лойиҳалаштириш, сифатли ва замонавий қилиб қуриш зарурлигини таъкидлади. Ушбу майдон ва кўчаларда янада қулайлик яратиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига пойтахтимиз ва ҳудудларда мавжуд кўприклар ҳолати, янги режалар ҳақида маълумот берилди. АҚШнинг “CRAFCO” компанияси ишлаб чиққан махсус техника ва ихчам механизациялар ёрдамида йўл ўтказгич ва кўприкларни таъмирлаш лойиҳаси намойиш этилди. Мазкур компания йўл ўтказгич ва кўприкларни мустаҳкамлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасида инновацион технологияларни жорий қилишда дунёда энг илгор саналади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани кўздан кечириб, ушбу компания технологияларидан унумли фойдаланиш, бунинг учун мутахассислар малакасини ошириш борасида тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғини ҳам кириб кўрди. Боғни замонавий қилиб қайта қуриш, бу ерда очик ва ёпиқ аквапарк барпо этиш бўйича топшириқ берди. Боғдаги биронта ҳам дарахт кесилмаслиги кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Камолон маҳалласида қурилаётган кўп қаватли уйлари бориб кўрди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиббонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ушбу боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама гўзал ва бетакорр масканга айлантириш, маъ-

навий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида боғ ҳудудида Адиблар хиббони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси барпо этилди.

Хиббон рўпарасида қурилаётган мазкур уй-жойлар ёзувчи ва шоирларга берилади. Қулайлик учун биринчи қаватда мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёев қуриб битказилган хонадонлардан бирига кирди. Оилаларнинг тинч-фаровон яшаши, болаларнинг баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

– Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, – деди Президентимиз. – Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демакки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез равақ топади.

Давлатимиз раҳбари боғда болаларга яратилган шароит билан танишди.

– Мактабгача таълим тизими доимий эътиборимизда бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Болалар айна боғча ёшида билимни тез ва осон ўзлаштиради, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривожига билан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак.

Мактабгача таълим муассасалари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш, бу ишларга жабрибали ижодкорларни ҳам жалб этиш лозимлиги қайд этилди. Шу ерда Тошкент шаҳри туманларида замонавий турар жой мажмуалари, ишбилармонлик марказлари, дам олиш масканлари ва сайилгоҳлар қуриш, жамоат транспорти хизматини яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Президентимиз Бўзсув канали бўйида қурилган сайилгоҳни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион лойиҳа ва ишланмаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай технологик янгиликлар мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларини ўзгартириш, уларнинг чиқиндисиз ишлашини таъминлаш, харажатлар ва яроқсиз маҳсулотни салмоқли даражада қайта ишлашга хизмат қилади.

Технопарклар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Инновацион тадқиқотлар ўтказиш, ички ва ташқи бозорда юқори технологияли, рақобатбардош харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етакчи саноат ва кичик инновацион корхоналар ташкил этиш уларнинг асосий вазифаларидир. Технопарклар зиммасига илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш учун олий таълим муассасалари, академик доиралар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро алоқани йўлга қўйиш вазифаси ҳам юклатилган.

Туманинг Оқилон маҳалласида бўш турган жойда технопарк ташкил этиш лойиҳаси шулардан бири. Тижорат банклари иштирокида бу ерда тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр кийим-кечак ва спорт товарлари ишлаб чиқарадиган бир неча корхона ташкил этиш режалаштирилган. Бу хотин-қизлар ва туман ёшларини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлади.

“Асака” банки томонидан молиялаштирилган “Кўкча текстиль” масъулияти чекланган жамиятининг мато ишлаб чиқариш, унга гул босиш ва тикувчиликни ташкил этиш лойиҳаси доирасида 2 мингта иш ўрни яратилди. Шунингдек, банкнинг молиявий қўмағида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида “Тўйтепа текстиль” масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа калава-ип ишлаб чиқариш, “индиго” жинси матосини тўқишни назарда тутди.

“Кўкча текстиль” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишчи-ходимлар учун кўп қаватли уй-жой ва маиший савдо мажмуаси қуриш лойиҳаси ҳам намойиш этилди.

Шайхонтоҳур туманида айна пайтда 185 тўқимачилик саноати корхонаси фаолият юритмоқда. 2018-2019 йилларда туманда бу йўналишда яна 8 та лойиҳани амалга ошириш ва 1330 дан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Туманда “Certus textiles” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган “Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси ҳам 100 та янги иш

ўрни яратиш имконини беради. Лойиҳани амалга ошириш учун 5,6 миллиард сўм маблаг сарфланади.

“Алоқа банк” томонидан молиялаштирилаётган АКТ йўналишида бизнес маркази ташкил этиш лойиҳаси “Cenesis Innovation” масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан амалга оширилаётган. Лойиҳа қиймати 55,5 миллиард сўм бўлган марказнинг 5 қаватли биносиди 200 киши иш билан таъминланади.

“Ўзмилийбанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Ипотекабанк” томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди. Шайхонтоҳур туманида замонавий кичик саноат зонаси, “AVTO RITET” бренди остида автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича кўп тармоқли мажмуа ташкил этиш, енгил саноат тармоғига инвестициялар жалб қилиш, замонавий уй-жойлар, тиббий диагностика маркази ва мактабгача таълим муассасалари барпо этиш, асални қайта ишлаш ва қадоклашни йўлга қўйиш бўйича режалаштирилган лойиҳалар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари саноатни инновацион ривожлантириш, хорижий тажриба асосида маҳсулдорлик ва рақобатбардошликни ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Тадбиркорларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига таширф бўйиб, уни замонавий масканга айлантиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

Боғ марказида Абдулла Қодирийнинг мухташам ҳайкалини ўрнатиш, боғни бошқалардан ажралиб турадиган қилиб қуриш, бу ерда адиб яшаган даврни акс эттириш зарурлиги таъкидланди.

Чорсу бозори ва Гўлбозор маҳалласида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, бу тарихий жойда туризмни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Шу кунги Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани иқтисодийнинг ривожлантириш, уй-жой-коммунал соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун давлат бюджетидан етарли маблаг ажратилмоқда. Прогноздан ошган солиқ тушумлари маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилиб, уларни сарфлаш бўйича маҳаллий ҳокимликларга кенг қаволатлар берилмоқда.

Масалан, жорий йилда Тошкент шаҳрида прогноз нисбатан 2 триллион сўмга кўп солиқ тушиб, маҳаллий бюджетда 1,5 триллион сўми қолиши кутилмоқда. Бу 2017 йилга нисбатан 10 баробар кўпдир.

– Тошкентга ҳеч қачон бунча пул берилмаган. Биз нега 1,5 триллион сўмни шаҳарнинг ўзида қолдиришимиз? Тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, одамларнинг маиший шароитларини яхшилаш, уй-жойлар, боғчалар қуриш, иш ўринлари яратиш учун. Энди жойлардаги раҳбарлар ҳам ўзини қийнаши, садокат билан ишлаши керак. Четдан келиб ҳеч қим ҳеч қачон қилиб бермайди, – деди Президентимиз.

Йиғилиш олдида Шайхонтоҳур туманидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганилган, қўллаб муаммо ва камчиликлар аниқланган эди. Давлатимиз раҳбари бу муаммолар туман ҳокими, маҳалла фаоллари ва марказий идоралар раҳбарлари учун сабоқ бўлиши кераклигини таъкидлади.

Аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида тумандаги 51 та маҳалла бўйича манзилли “Йўл харитаси”ни тасдиқлаб, ижросини назоратга олиш юзасидан топшириқ берилди.

– Бунда тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллаларни обод қилиш, спорт ва болалар майдончалари қуриш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига моддий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Туманда 20 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 4 та сектор кесимида манзилли дастур ишлаб чиқиш зарур, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев ўрачуларга йиғилган тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Улар олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, режа ва тақлифларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Алоуддин ГАҒФОРОВ,
Ўза Махсус мухбирлари

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!
Хурматли қурувчилар!
Сиз, азизларни – мамлакатимизнинг қурилиш соҳасини равақ топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча юртдошларимизни бугунги касб байрамингиз – Қурилиш соҳаси ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қутлуг айёмда сизларга ўз номидан, халқимиз номидан эзгу тилаклар ва чўқур миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз меҳнати билан шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда янги ишлаб чиқариш корхоналари, муҳим ижтимоий объектлар, мухташам уй-жойлар, йўл ва кўприклар барпо этиб, ҳаётимизни янада обод, гўзал ва тароватли этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган олижаноб касб эгаларини кўраимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда, бутун мамлакатимиз каби, қурилиш соҳаси ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда.

Иқтисодийтимизда амалга оширилаётган тўб ислохотлар, ижтимоий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришлар, жумладан, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида белгилан олган вазифаларимиз соҳа ривожини мутлақо янгилаш тарзда, замонавий илм-фан ва инновация ютуқлари асосида ташкил этишни талаб этмоқда.

Бунёдкорлик йўналишидаги ишларимизнинг микёси ва қўламини биргина “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги 159 та туманда 416 та қишлоқни ободонлаштириш бўйича ишлаб чиқилган бош режалар асосида қисқа муддатда 320 та мактаб, 231 та мактабгача таълим, 148 та солиқчи сақлаш муассасаси ва 77 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, қўллаб қўча ва майдонлар, жамоат масканларида катта қурилиш ишлари олиб борилаётганида қўриш мумкин.

Бу борада давлат – хусусий шериклик муносабатлари, қурилиш ташкилотлари ва аҳоли ҳамкорлиги каби янгила фаолият шакллари самарали қўлланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Обод маҳалла” дастури бўйича 2018 йилда мамлакатимизнинг 148 та маҳалласида таъмирлаш, ичимлик суви, электр, табиий газ тармоқлари, ички йўллар, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланиб, ўзининг дастлабки натижаларини бераётгани барчамизни албатта қувонтиради.

Бутун юртимизни қамраб олган ана шундай салмоқли ишларда, шунингдек, бу йил намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган 3,5 миллион квадрат метрдан иборат 28 435 та арзон уй-жойларни барпо этишда биз, аввало, сизларнинг профессионал малаканингиз, билим ва тажрибангиз, юксак маҳоратингизга таянаемиз.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишга бевосита хизмат қиладиган бундай эзгу ишлар ҳақида гапирганда, аҳоли пунктларини қуришда комплекс ёндашув асосида уй-жой, турли бино ва

иншоотлар билан бирга ҳудудларда ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, янги истироҳат боғлари ва хиббонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

2018 йилги Инвестиция дастури бўйича 1 114 та ижтимоий соҳа объектларида кенг қўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда “сахродаги мўъжиза” деб эътироф этилаётган Қандим газни қайта ишлаш комплекси, юртимиздаги янги-янги эркин иқтисодий зоналар, саноат ҳудудларидаги йирик объектлар қурилиши, турли коммуникация тармоқлари – буларнинг барчаси сизларнинг машаққатли ва шарофли меҳнатингиз натижаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати жадал ривожланиб бораётгани ҳам соҳа тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Биргина уй-жой бинокорлигида фойдаланилаётган сифатли қурилиш материалларининг 95 фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётгани бунга яққол тасдиқлайди. Энг муҳими, бундай ўзгаришлар қад кўтарётган иморатларнинг мустаҳкамлигини ва нархи нисбатан арзонлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда замон, ислохотларимизнинг ўзи барча жабҳалар қатори ушбу соҳада ҳам янги, янада долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни туман марказлари билан боғлайдиган замонавий йўллар қуриш, намунавий лойиҳалар асосида янги боғчалар, мактаблар, оилавий поликлиникалар барпо этиш, бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис шохобчаларини кўпайтириш, аҳоли ва пудрат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларини қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш тизимини йўлга қўйиш, қурилиш бозорини янги инновацион хизматлар билан тўлдириб бориш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби масалалар биз учун гоёт долзарбдир.

Ишонаман, қўли гул, азму шижоатли Ўзбекистон қурувчилари бор билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини сафарбар этиб, бундай улғув вазифаларни албатта шароф билан адо этадилар.

Азиз ва мухтарам қурилиш соҳаси ходимлари!

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбидан табриклаб, барчангизга сикат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган ҳаройи ишларингизда доимо ютуқ ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, республикада амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, қурилиш индустрияси ва миллий меъморчиликни ривожлантириш, тизимга илгор технологияларни жорий этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасидаги катта хизматлари ҳамда соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”

Валломо Бахтиёр – Марғилон шаҳридаги “Файз-бинокор Олтириқ” хусусий қурилиш-монтаж корхонаси раҳбарининг ўринбосари, Фарғона вилояти

Ҳаджиматов Алимжан Аширматович – Юнусobod туманидаги “Ижодкор қурилиш бизнес” масъулияти чек-

ланган жамияти қурилиш объекти бошлиги, Тошкент шаҳри
Хошимбеков Қудратбек Зоитбекович – “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси бош директори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Жиемуратов Каллибек Елубаевич – “Ўзмаҳсулмонтажқурилиш” акциядорлик компаниясининг “Нукус электромонтаж” масъулияти чекланган жамияти электромонтажчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳомидов Тохиржон Абдурахмонович – Андижон туманидаги “Қўча механизациялашган корхона” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдиллаев Нематилла Аҳмаджонович – “Кувасойцемент” акциядорлик жамияти бош технологи, Фарғона вилояти

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Абдушукуров Алишер Турсунович – Андижон шаҳридаги “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Арипов Ахмеджан Алимович – Миробод туманидаги “Бити продакшн” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Ахмедов Илхом Султонович – “Қишлоққурилиш-лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти лойиҳа-қидирув институти бош директори

Жаумитбаев Кераматдин Шарапович – Нукус шаҳридаги “Голден Стар” қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўмартов Умирзоқ Азизович – Чиноз туманидаги “33-хўжаликлараро кўча механизациялашган колонна” масъулияти чекланган жамияти пайвандловчиси, Тошкент вилояти

Заиров Асатулло Кучкарович – Яшнобод туманидаги “МДФ Формейшн” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Илёсов Нажимитдин Пўлатович – Юнусобод туманидаги “Янги замон бино” масъулияти чекланган жамияти пайвандловчиси, Тошкент шаҳри

Исламов Аманулла Шариатович – “Ўзмахсусмон-тажқурилиш” акциядорлик компаниясининг “Тошкент металл конструкция” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Ортиқов Хусниддин Худайкулович – “Қизилқум-цемент” акциядорлик жамиятининг майдалаш бўлими бош бошлиғи, Навоий вилояти

Саатов Бахтиёр Мамадиевич – “Ўзшаҳар қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компаниясининг Қурилишда техник назоратни амалга ошириш бўлими худуд бошлиғи

Солиев Набижон – Жиззах шаҳридаги “Камол” кўп тармоқли қурилиш корхонаси иш юритувчиси, Жиззах вилояти

Шарипов Шухрат Исроилович – Қизилтепа туманидаги “Шарқ қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Навоий вилояти

Шихов Эркин Исмоилович – “Ўзмахсусмонтажқурилиш” акциядорлик компаниясининг “93-максус трест” акциядорлик жамиятининг “Урганч энергия монтаж” масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

Юсупов Джасур Хамидович – Юнусобод туманидаги “Қурилиш универсал компакт сервис” масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

“Дўстлик” ордени билан

Алиев Илгизар Ибрагимович – Пахтачи туманидаги “Мадина савдо белгиси” хусусий корхонаси иш юритувчиси, Самарқанд вилояти

Алламуродов Хайитали Мамадалиевич – Термиз шаҳридаги “Термиз-тезор-қурилиш” ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхонаси бош директори, Сурхондарё вилояти

Бадалян Гарник Юрьевич – Жиззах шаҳридаги “Агро стандарт плюс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Бодиров Мусохон Исмоилович – Чортоқ туманидаги “Меҳнат нури” хусусий корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

Исаков Хожикузижон Қосимжонович – Марғилон шаҳридаги “426-хўжаликлараро ихтисослашган кўча механизациялашган колонна” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Курбанов Баҳрам Шарилоевич – “Ўзшаҳар қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси бош муҳандиси

Кузиев Раҳматулла Аширович – Чироқчи туманидаги “Бинокор” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Қашқадарё вилояти

Мусаев Шухрат Зияевич – “Бекободцемент” акциядорлик жамиятининг клинкер куйдириш цехи айланма печ машинисти, Тошкент вилояти

Рыков Владимир Степанович – “Ташгипрогор” акциядорлик жамияти бош конструктори

Тоҳиббаев Абдусалом Сотволдиевич – Шахрихон туманидаги “Юксак қурилиш савдо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Хидоятлов Шерзод Саиджанович – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Тошкент Сити” халқаро ишбилармонлик маркази худудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси директори

Чориев Ҳамробой Ҳайитбоевич – Олот туманидаги “Шарқ плюс” масъулияти чекланган жамияти раиси, Бухоро вилояти

Шадиева Лариса Валентиновна – “Охангаронцемент” акциядорлик жамиятининг иссиқлик энергетика цехи компрессор қурилмалари машинисти, Тошкент вилояти

Эргашев Мусурмонкул Хайруллаевич – Жиззах шаҳридаги “Зенатор темир-бетон буюмлари” масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи, Жиззах вилояти

Юсуфжанова Ёдгорой Холматовна – Қувасой шаҳридаги “Кварц” акциядорлик жамиятининг стратегик

ривожлантиришни режалаштириш бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

“Шухрат” медали билан

Ахмедов Улугбек Козимжонович – Андижон шаҳридаги “Хокон Автоинвест” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Андижон вилояти

Жўраев Садирали Қамбаралиевич – Бешариқ туманидаги “Маъмиржон Ғаниев келажаги” хусусий корхонасининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи, Фарғона вилояти

Камбаров Бунёд Хасанбаевич – Гулистон шаҳридаги “Бек-қурилиш авто” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

Комилов Эркин Мухитдинович – Нурота туманидаги “Фаррух-Зарина” хусусий ишлаб чиқариш кичик корхонасининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи, Навоий вилояти

Махмудов Мансурбек Рожабович – Хива шаҳридаги “Хоразм Гранит” хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Сабуров Улугбек Ибрагимович – Тўртқўл туманидаги “Шўрахонқурилишмонтаж” масъулияти чекланган жамияти гишт терувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сайдазимов Дилшод Рабимович – Ширин шаҳридаги “Шохрух-Демирбек” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Салимов Сундур Абдувалиевич – Самарқанд шаҳридаги “Темир-бетон конструкциялари комбинати” масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Самарқанд вилояти

Соҳин Андрей Геннадьевич – “12-трест” масъулияти чекланган жамиятининг 49-қурилиш бошқармаси пайвандловчиси, Тошкент шаҳри

Тайрбаев Ислон Шакиржанович – Наманган шаҳридаги “Истиқлол жавоҳири” масъулияти чекланган жамияти раиси, Наманган вилояти

Тухтаев Эркин Эшмаҳматович – Яккабоғ туманидаги “Азия мега строй” масъулияти чекланган жамияти раиси, Қашқадарё вилояти

Ҳамроев Ҳамро Бахронович – Бухоро туманидаги “47-хўжаликлараро кўча механизациялашган колонна” масъулияти чекланган жамияти гишт терувчиси, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 10 августЖАМОАТЧИЛИККА
ҲИСОБОТ БЕРИЛДИ

Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди, дея хабар беради ЎЗА.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида 5 та мажлис ўтказилиб, уларда қўмита ваколатларига тааллуқли 18 та масала, шу жумладан, бюджет, молия соҳаси ва иқтисодий ислохотларга доир 3 та қонун қўриб чиқилган.

Қўмита томонидан ўтказилган конференция ва семинарлар доирасида валюта сиёсатини эркинлаштириш масалалари, солиқ сиёсатининг замонавий йўналишлари, қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш истиқболлари, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари, банк-молия секторини инновацион ривожлантиришнинг турли жиҳатлари муҳокама этилди, шунингдек, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилди.

Қўмита аъзолари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг 8725 та мурожаати қўриб чиқилди. Кўтарилган масалаларни ҳал қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига сенаторларнинг 40 та мурожаати юборилди. Натижада фуқароларнинг йиллар давомида йиғилиб қолган кўплаб муаммолари ечим топди.

Умумий ҳисобда Сенатда ва жойларда 3500 та қабул амалга оширилди, жумладан, Қўмитада доимий асосда ишловчи сенаторлар томонидан 79 нафар фуқаро қабул қилинди.

Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунлари ва устувор йўналишларига бағишланган матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қўмита томонидан “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ҳамда “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини қўлайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонулар март ойида ўтказилган ялпи мажлис муҳокамасига киритилди.

Шу билан бирга, Қўмита томонидан халқ билан мулоқотни кўллаб-қувватлаш, сайловчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қaratилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида сайловчилар билан 384 та учрашув ўтказилди, 638 нафар фуқаро қабул қилинди ва 5342 та ёзма мурожаат қўриб чиқилди. Мурожаатларнинг кўпчилиги назоратга олинди, кўтарилган масалаларнинг самарали ҳал этилиши таъминланди.

Қўмита аъзолари матбуот анжумани иштирокчиларининг барча саволларига жавоб қайтардилар.

И.АХАТОВА

Юртимиз ободлиги, файзли ва кўркам, замонавий қиёфаси қурувчиларнинг машаққатли меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Муҳташам бинолар, зилол фавворалар, кенг ва раван йўللар, сўлим истироҳат боғлари, маҳобатли кўприкларни кўриб уларнинг меҳнатига тассаннолар айтамыз. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда август ойининг иккинчи яшанбаси қурилиш соҳаси ходимлари қуни этиб белгиланган.

ЮРТНИ ОБОД ЭТАЁТГАНЛАР
ШАРАФЛАНДИ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида ташкил этилган тантанали тадбирга қурувчи ва меъморлар, муҳандислар, йўлсозлар, соҳанинг фидойи мутахассислари таклиф этилди.

Тантанали тадбирни Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва шаҳарсозлик йўналишида ўзига хос аъёнлар шаклланди. Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилаётган юксак эътибор натижасида соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш, аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-مائий шароитини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда юртимиз улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланди.

Мазкур қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун юртимизда кўллаб пудрат ташкилотлари, бош лойиҳа инсти-тутлари, лойиҳа ташкилотлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим даргоҳларида соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

Сўнгги йилларда қурилиш,

архитектура ва лойиҳалаштириш бўйича миллий қонунчилик муттасил тарзда такомиллашиб бормоқда. Тасдиқланган мақсадли дастурлар доирасида арзон намунавий уй-жойлар, кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этишда, анҳор ва каналларимиз мусофқолиги, соҳилларининг ободлигини таъминлашда қўли гул қурувчиларимизнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлмоқда. Қисқа фурсатда кўплаб ижтимоий соҳа объектлари, муҳташам спорт саройлари, йирик иншоотлар ва инфратузилма, санаот, ишлаб чиқариш объектлари, замонавий талабларга жавоб берувчи истироҳат боғлари фойдаланишга топширилмоқда. Тунеллар, кўприклар, замонавий транспорт боғламалари, шиддатли давр руҳини ўзига акс эттирувчи ишбилармонлик марказлари жонажон пойтахтимизнинг қиёфасини мутлақо ўзгартириб юбориши шубҳасиз. Шаҳарсозу меъморларимизнинг меҳнати билан юртимизнинг барча гўшаси таниб бўлмас қиёфаси кирмоқда.

Соҳани жадал ривожлантириш, қурилишда янги технологиялар ва энергия тежамкор материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини қўлайтириш соҳа ривожининг янги даврини бошлаб берди. Қурилиш-шаҳарсозлик, меъморлик йўналишида шиддатли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб соҳа ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Улкан бунёдкорлик

ишлари жараёнида миллий маънавиятимизга улкан ҳисса қўшган алломалар кўним топан зиёратгоҳларини таъмирлаш, уларни обод масканларга айлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда соҳада кўп йиллар мобайнида фидокорона меҳнат қилган қурувчи, йўлсоз, муҳандис ва меъморлар давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар соҳа равақли, одамлар учун муносоқ турмуш шароитларини яратиш, қурувчиларнинг меҳнатини хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги эътибор учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

– Қурувчи ёки меъмор касбининг натижаси неча-неча йиллар бўй кўрсатиб туради, – дейди “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби, Андижон туманидаги “Кўча механизациялашган корхона” масъулияти чекланган жамияти директори Тоҳиржон Ҳомидов. – Барпо этилган бино ва иншоотлар халқ манфаатлари, ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиётига хизмат қилаётганини қўришдан ҳам олийроқ бахт борми! Шунда барча машаққатлар ортда қолгани, меҳнатинг эл-юртнинг нафи йўлида эканини чин юракдан ҳис этасан. Биз, қурувчиларга кўрсатилган улкан эътибордан кўнглимиз осмон қадар ўсди. Бу эса янада кўпроқ ғайрат билан меҳнат қилишга чорлайди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт байрамга файз, кўтаринки кайфият бағишлади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

● “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамда Корея Республикасининг “Ewha Womans University” госпитали ўртасида тузилган ҳамкорлик келишуви доирасида ташкил этилган тадбирда Сирдарё вилоятида 300 га яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтди. Тиббий кўриқ давомида бир гуруҳ беморларга бепул дори-дармон, санитария-гигиена ва тиббиёт воситалари тарқатилди.

● Зарбдор туманининг Ойбек маҳалласида тадбиркор Эркин Умрзоқов чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Бинокор – Меъмор” хусусий корхона фаолиятини йўлга қўйди. Замонавий технологиялар ўрнатилган корхонада кунига 50-60 жуфт, ойига 1 минг 500 жуфтидан ортқ болалар ва катталар пойабзали ишлаб чиқарилмоқда. Аини пайтда бу ерда 6 киши меҳнат қилаётир.

● Самарқандда “Меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини холис ёритиш ва ахборотни ўз вақтида тақдим этиш механизми” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тараққиёт стратегияси маркази, давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, касаба уюшмалари ва бандлик бошқармалари ходимлари иштирок этди.

● Наманганда “Энг улуг, энг азиз” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят марказидаги “Уч фаввора” хиббонида танлов голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



● Марказий ва ғарбий Европада ҳукм сураётган жазирама ҳаво Швейцарияга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу ердаги чучук сувларда яшовчи хариус ва бошқа турдаги ноёб балиқларнинг катта қисми сувнинг илиб қолиши натижасида нобуд бўлди. Ҳозирда қолган балиқларни сақлаш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

● Чили ҳукумати Жанубий Америка давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, савдо-сотиқ муносабатида елим халталардан фойдаланмасликни қонуний тарзда тақиқлади. Янги қонун лойиҳаси Конгресс томонидан ишлаб чиқилиб, мамлакат раҳбари Себастиан Пенера томонидан тасдиқланди. Унга кўра, пластик халтачалардан фойдаланиш кичик харидлар учун 2 йилга, катта харидлар учун эса 6 ой муддатга тақиқланди. Қонунни бузган фуқароларга солинадиган жарима қиймати эса 370 доллар миқдорда белгиланди. Янги ўрнатилган қонун Чили давлатининг атроф-муҳитни тоза сақлашда қўйилган янги қадам сифатида баҳоланмоқда.

● Японияга Шаншан тўфони хуружи кутилмоқда. Ҳозирда мамлакат пойтахти Токио ва бошқа шаҳарларда хавфсизлик чоралари кўрилмоқда, турли анжуман ва кўргазмалар бекор қилинди. Сайёҳларга ўз уйларида қайтишлари таклиф этилмоқда. Тинимсиз ёғаётган ёмғир натижасида дарёларнинг ўзанидан тошиб чиқиб, айрим ҳудудларни сув босишидан огоҳлантирилмоқда. Тинч океанидан кириб келаётган ушбу тўфон чоғида самолётнинг тезлиги соатига 180 километрге етади.

Қарор ва ижро

БЎЛАЖАК ЁШ ТАДБИРКОРЛАР
УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази Президентимизнинг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Бугунги кунда марказ мамлакатимиз миқёсида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик асосларини ўқитиш ўқув курсларини ташкил этмоқда.

Марказда айни кунга қадар 12 мингдан ортиқ тингловчи малака оширди. Ўқув курсларини битирганларнинг 10 фоизи банклардан имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини бошлади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатади, мазкур курсларда мактаб, коллеж ва лицейларни битирган ёшлар билим ва кўникмаларини оширмоқда. Бироқ уларнинг етарли даражада маълумотга эга эмаслиги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда қийинчилик туғдирмоқда.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ўтказилган давра суҳбати шу муаммони ҳал этишга тадбиркорларнинг кенг доирасига мўлжалланган бизнес юритиш кўникмаларини масофавий ўргатишни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Кўмита ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва “Норма профессионал ривожланиш маркази” нодавлат таълим муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро тажриба асосида бўлажак тадбиркорларни масофавий

ўқитишни йўлга қўйиш, бизнесни юритиш, молия саводхонлиги борасида ўзбек ва рус тилларида махсус онлайн ва оффлайн курсларини яратиш афзаллиги ва амалий натижалари хусусида сўз юритилди.

– Масофавий таълим дастури марказ ва “Норма профессионал ривожланиш маркази” нодавлат таълим муассасаси ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик меморандуми асосида ишлаб чиқилмоқда, – дейди Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази директори Улғубек Камолитдинов. – Унда тингловчилар ҳўжалик ҳўкуқи асослари, иқтисодий билимлар, молияни бошқариш, солиққа тортиш, маркетинг ва ташқи иқтисодий билимлар асослари бўйича онлайн курсларда таълим олади. Жорий йилнинг 15 сентябидан 15 декабригача www.direktor.uz онлайн платформасидан фойдаланган ҳолда 22 соатлик масофавий таълим курслари ташкил этилади. Мазкур курсларда ўқиш пулсиз, очиқ тарзда ўтказиладиган тренинглар учун ҳар иккала томон ташаббуси билан ўқитувчилар танлаб олинади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

“Тараққиёт стратегияси” марказида Халқаро пресс-клуб томонидан “Deutsche Welle” академияси вакиллари иштирокида “Замонавий журналистика учун кадрлар тайёрлаш: “Deutsche Welle” академияси тажрибаси” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

“DEUTSCHE WELLE”
АКАДЕМИЯСИНING
ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

“Deutsche Welle” (“Немис тўлкини”) телерадиокомпанияси Германиянинг хорижий тингловчилар ва томошабинларга мўлжалланган йирик медиатизилмаси бўлиб, 60 мамлакатда 3 мингга яқин ходими фаолият олиб боради. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда “Deutsche Welle” телерадиокомпанияси аудиторияси қарийб 150 миллион кишини ташкил этади.

2004 йилда компаниянинг радио ва тележурналистлар малакасини ошириш маркази базасида академия ташкил этилган. Ушбу академиянинг асосий йўналишларидан бири замонавий ОАВни ривожлантириш, хусусан, халқаро стандартларга мос журналист кадрларни тайёрлашдан иборат.

Ўзбек журналистлари малакасини ошириш ва академия фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган давра суҳбатида Халқаро пресс-клуб раҳбари, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Ш.Қудратхўжаев, “Deutsche Welle” академияси масъул ходими В.Рудник ва бошқалар замонавий журналистика ютуқларини оммалаштириш ва соҳа вакиллари ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш медиатизилмаларни халқаро стандартлар даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Мамлакатимизда етук журналистлар

тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Медиатизилмалар учун кенг имкониятлар яратилиб, замонавий кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Соҳанинг қонунчилик базаси ислоҳ қилинган, жамиятда сўз ва фикрлар эркинлиги таъминланаётгани, ОАВлар фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилаётгани ижодкорларнинг самарали фаолият юритиши учун муҳим замин яратмоқда.

– Ўзбекистонда бундан 10 йил муқаддам бўлганман. Кейинги йилларда юртингизда ҳукумат томонидан журналистика соҳасига қаратилаётган эътибор мени қувонтиради, – дейди “Deutsche Welle” академияси координатори Лидия Ранерт. – Академиямиз жаҳондаги имкониятлари кенг бўлган давлатларга ўз гоё ва ташаббуслари билан мурожаат этади. Ўзбекистон ҳам ана шундай давлатлардан биридир. Ўйлайманки, бизнинг ташаббусимиз ўзбек журналистикаси ривожига, соҳа мутахассислари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тадбирда соҳа вакиллари ўзаро фикр алмашди. Журналистларнинг саволлари-га академия ходимлари ва ташкилотчилар атрафлича жавоб қайтарди.

Зухра МИРЗАБОВЕВА,
ЎЗАЭЗГУЛИКЛАР
КОНИ – МАЎАЛЛАМ

Бугунги кунда маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларига хос бўлган усулидир.

Маҳалла бежизга “Қадриятлар бешиги” дея таърифланмайдиган, чунки бу бешикда тоза ниятлари, мурғак қалбларга сепилган эзгулик ниҳоли уруғлари униб чиқиб, у кишини ҳақиқат олдига интилишга, атрофдakilарга бир чимдимгина бўлса ҳам меҳр улашишга ундайди...

Қадимда шаҳарларимиз даҳаларга, даҳалар эса маҳаллаларга бўлинган. Тошкент қадимдан 4 даҳа – Қўқча, Себзор, Шайх Хованди Тоҳур ва Бешёғон даҳаларидан иборат бўлган. Ҳар бир маҳалланинг жамоат маркази – ўз гузари, у ерда чоёхона, новвойхона, бақроқлик, қасоблик дўқони, масжид, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик, устадўзлик, қосиблик дўқонлари бўлган. Яна бир жиҳат: қадимда маҳаллаларда қоровул ва фаррошлар бўлмаганини таъкидлаш жоиз. Ҳар бир хонадоннинг саришталлиги учун ўша хонадоннинг аёли, қизи, келини масъул бўлган.

Қадим-қадимдан маҳаллаларда қўшничилик муносабатлари жуда яхши йўлга қўйилган. Кишилар ўртасида меҳр-оқибат кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам қўлини қўйиш, беморлар, кексалар ҳолидан хабар олиш, тўй-ҳашам, маъракаларда қўшини қўллаб-қувватлаш, йўқловлар ҳам-манинг инсонийлик бурчи ҳисобланган. Ҳар ким савоб олиб қолишга шошган, уволдан қочган. Қўшни деган сўзнинг маъноси девор-дармиён, ҳақиқат ака-укадек бир-бирига яқин деган маънони англатар экан. Ҳадиси шарифларда айтилишича, бир одам ўнг тарафидан 40 та, чап тарафидан 40 та қўшни билан қўшничилик муносабатлари олиб бориш керак экан. Яна Ҳадиси шарифларда “қўшни ҳақи, қариндош ҳақи” деган тушунчалар ҳам айтиб ўтилганки, биз ҳақи талаб қилиш билан биргаликда ҳақимизни адо этишни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Қўшни-қўшининг бозори”, “Гилам сотсанг қўшинга сот, бир четиди ўзинг ўтирасан” деб бежизга айтилмади. Бизнинг фарзандларимиз ҳам қўшининг яхши хулқидан, фазилатидан андоза олади.

Юнусобод туманида Юнус ота номли маҳалла бор. (Бу маҳалла “Тинчлик” маҳалласидан ажралиб чиққан.) Манбаларда ёзилишича Юнусхожи Нодирхон ўғли 1818-1898 йилларда Тошкент шаҳрида яшаб ўтган. У пойтахтнинг Чинобод, Чоштепа ва Октепа маҳаллаларида катта боғлар яратган. Асосан узум етиштириш, янги навлар яратиш билан шуғулланган. Бўш ётган бўз ерларни обод қилишни бошлаб берган. Замонасининг илмий кишиларидан бўлиб, форс, араб, рус тилларини яхши ўзлаштирган. Ота мерос бўлган ерларда катта-катта тоқзор ва мевали боғлар барпо қилган. Мавзеддаги жамоа ҳўжалиги атрофида салобатли қўрғонлар, қарвонсаройларга ўшаган бостирмалар қуриб, 1835-1840 йилларда тарқоқ ҳўжаликлар аста-секин қўлайиб, 10-20 та хонадонлардан иборат кичик қишлоқчалар пайдо бўла бошлаган. Юнус ҳожининг саъй-ҳаракати ва қариндошларининг ёрдами билан ночор, камхарж 25-30 оилага ўй-жой қуриб берилиб, уларга ер, от-улов ва қорамоллар совға қилинган экан.

Юнус ота маҳалла фуқаролар йиғини 2017 йил “Обод маҳалла” дастурига киритилган бўлиб, шу йилнинг сентябрь ойида барча қўлайликларга, техника воситалари билан жиҳозланган, нурунийлар учун дам олиш хоналари ва энг сара адабиётлар билан таъминланган кутубхонага эга янги маҳалла гузари ҳўжиялар томонидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов, Гайбулла Ҳожиёв, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулхумор Абдуллаева, таниқли хайкалтарош Азамат Ҳотамовлар шу маҳалла аҳли ҳисобланади. Ёш бўлишига қарамай, маҳалладошларини эзгулик юмушларига ундай олаётган, кексалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнглини кўтарайтган, оилалар мустаҳкамлиги, маънавий муҳит барқарорлиги учун ҳаракат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Самиговнинг жамоа билан олиб бораётган ишларидан маҳалладошлари ниҳоятда мамнун. Қўлларидан келганча, ободонлаштириш ишлари, хашарларда иштирок этадилар, кексалари эса, қўлларини дуога очиб, юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон, Ўртабўшимиз омон бўлишини тилаб дуо қиладилар. Маҳалла жамоасида яшарли эса, ҳимматли, савватли аждод-авлодларимиз руҳини абадилаштириш, қадриятларни ёшлар онига сингирдиш мақсадида маҳаллада Юнус ота музейини ташкил этиш учун ҳаракат қилимоқдалар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда маҳаллаларимиз чин маънода эзгуликлар ошенига айлиниб бормоқда. Юртимизнинг зилол сувларига, болдек тотли меваларига, гўрадан бол, чўпдан ниҳол етиштирадиган Ҳазрати инсонларига, дунёларга бергусиз қадриятларимизга, кишиларимиз ўртасидаги меҳр-оқибатга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Гўлчехра ҚАРИМОВА,
“Нуруний” жамғармаси Республика бошқаруви ҳузуридаги
“Фаол фахрий ижодкорлар” гуруҳи аъзоси

Таълим

ИСЛОҲОТЛАР КЕЛАЖАК УЧУН
МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 5 июнь куни Президентимизнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Сўнгги йилларда ҳар бир соҳанинг ривожланиши шу соҳада олиб борилаётган изчил ислохотларнинг амалга оширилиши уларни ҳаётда ўз аксини топиши билан самара бермоқда.

Олий таълим тизимидаги ислохотлар эса халқаро стандартларга мос таълим бериш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва сифатини ошириш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашда қатор муаммолар мавжуд.

Қарорда олий таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш ва баҳолаш тизимида, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти тест синовларида, таълим жараёнига самарали жамоатчилик назоратининг ташкил этилмаганлиги каби қатор муаммолар мавжудлигига тўхталиб ўтилган.

Шунингдек, қарорда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан, давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳияти телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига етказилишни таъминлаш, ҳудудларни, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг кенг муҳокамасида ОТМнинг фаол иштирокини таъминлаш, инновацион ва технологиялар соҳалари ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, талабаларнинг ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар қўриш,

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ташкилотлари раҳбарлари, етакчи мутахассислари, фаол тадбиркорлар билан долзарб масалаларда семинар ва давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб бориш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий-амалий изланишларни олиб бориш вазифалари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, янги гоё ва ташаббусларида таълим сифатини ошириш, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашда қатор муаммолар мавжуд.

Қарорда олий таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш ва баҳолаш тизимида, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти тест синовларида, таълим жараёнига самарали жамоатчилик назоратининг ташкил этилмаганлиги каби қатор муаммолар мавжудлигига тўхталиб ўтилган.

Шунингдек, қарорда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан, давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳияти телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига етказилишни таъминлаш, ҳудудларни, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг кенг муҳокамасида ОТМнинг фаол иштирокини таъминлаш, инновацион ва технологиялар соҳалари ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, талабаларнинг ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар қўриш,

Шухрат БОЙМУРАДОВ,
Тошкент тиббий академиясининг
ўқув ишлари бўйича проректори

Сайёҳлик

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ
САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ
“GLOBALMERCHAND.COM.CN”
НИГОҲИДА

Хитойнинг “globalmerchand.com.cn” электрон портали саҳифасида мамлакатимиз мавзусига бағишланган ахборот материали эълон қилинди. Унда юртимиз сайёҳлик имкониятларини кенг тарғиб этиш ҳамда мамлакатимизга хитойлик сайёҳчилар оқимини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги дипломатик ваколатхонаси томонидан Пекин шаҳрида республикамиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ўтказилган сайёҳлик анжуманининг тафсилотлари атрафлича қаламга олинган.

Анжуман лавҳалари акс этган ранг-баранг суратлар билан бирга ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган мазкур тадбирда жорий йил 15 июлдан эътиборан Ўзбекистонда мамлакатга кириш учун электрон визаларни расмийлаштириш ва бериш тизими ҳамда мамлакатимиз ҳудуди орқали транзитни амалга ошираётган 101 давлат, шу жумладан, Хитой фуқаролари учун беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда визасиз кириш ва юртимизда вақтинча бўлиш тартиби жорий этилганининг тақдироти алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, электрон нашр Ўзбекистон ва Хитой халқларини қадим алоқалар боғлаб туриши, уларнинг тарихи эса қўнға Буюк Ипақ йўли даврларига бориб тақалиши ҳақида алоҳида тўхталар экан, “бой сайёҳлик салоҳиятига ҳамда қатор бетакрор шаҳарларга эга бўлган Ўзбекистоннинг бугунги ҳудуди кўп асрлар давомида Хитой ва Фарб ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилган”, дея таъкидлади.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу тадбир ўзбек халқининг бой маданияти, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, Ўзбекистонда сайёҳлик жабҳасини ривожлантириш, соҳа инфратизимини замонавийлаштириш ва янада кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар, шунингдек, Хитой билан бу йўналишдаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги режалар билан маҳаллий туроператорларни, соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари яқиндан таништириш учун қўлай имконият яратганини ҳам алоҳида қайд этади “globalmerchand.com.cn” электрон нашри.

Шухрат УМИРОВ,
“Дунё” АА муҳбири
Пекин

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2005 йилда Хантурбаева Наргиза Хаидаровнага берилган В № 200849 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Corn Business Impex” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305006794) “Agro Goodwill” (СТИР 305155293) масъулияти чекланган жамиятига қўйилганда “Agro Goodwill” МЧЖнинг барча мажбуриятларини олади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Давро аризалари Зангиота тумани, А.Темур кўчаси, 200-уй манзили бўйича қабул қилинади.


“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига “Тошшаҳарнур” ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уй манзилида сақланган қўйидаги мулклар қўйилмоқда 1. “120 втлн све-тодиодли кўча ёритишчи жами 138 дона ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 708 650 сўм, жами бошланғич баҳоси – 97 793 700. 2. МГ 150вт лампага мос FY2D кўча ёритишчи жами 195 дона ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 318 000 сўм, жами бошланғич баҳоси – 62 010 000. 3. 150вт МГ лампага мос РНЦЛPS русумли кўча ёритишчи – жами 165 дона, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 327 915,95 сўм, жами бошланғич баҳоси – 54 106 131,75.

Аукцион савдоси 2018 йил 11 сентябрь кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўн-лари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 7 сентябрь кўни соат 18:00 гача. Юқоридаги мулклар 2018 йил 11 сентябрь кўни сотилимаган тақдирда такрорий савдолари 2018 йил, 18, 25 сентябрь 2, 9 октябрь кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2018 йил 18 сентябрдаги савдо учун 14 сентябрь кўни, 25 сентябрдаги савдо учун 21 сентябрь кўни, 2 октябрдаги савдо учун 29 сентябрь кўни, 9 октябрдаги савдо учун 5 октябрь кўни соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 банк кўни ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳўжжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “РММ” МЧЖнинг ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кора-қамиш кўчаси, 1А-уй, 228-79-52. Гувоҳнома № 001805



Спорт янгиликлари

ЭКТОР КУПЕР ФАОЛИЯТИНИ
БОШЛАБ ЮБОРДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги бош мураббийси Эктор Купер расман ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Аргентиналик мутахассис дастлаб "Бунёдкор" футбол академиясига ташириб буюрди. У ушбу муассасада футболчиларга яратилган шарт-шароитлар, машғулот заллари, футбол майдонлари, болалар ётоқхоналарининг ҳолатини кўздан кечирди, ижобий ишлар, камчиликлар, ечимини кутаётган

муаммолар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини махаллий мутахассислар билан баҳам кўрди. Эктор Купер "Миллий" стадионга ташрифи чоғида ўзбек футбол тарихи музейини томоша қилди. Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳудудидаги "Ўзбекистон темир йўллари" спорт стадио-

нига борган Эктор Купер Равшан Хайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг машғулот йиғинини кузатди, футболчилар билан суҳбатлашди ҳамда Индонезияда ташкиллаштирилган Осиё ўйинларининг футбол турнирида олимпиячиларимизга омад ёр бўлишини тилади.

РЕГЛАМЕНТ ЯНА ЎЗГАРАДИМИ?

ПФЛ томонидан Суперлига регламентига ўзгариш киритилиши бўйича клубларга янгилик юзасидан фикрларини билдириш учун мактуб жўнатгани мутахассислару мухлислар ўртасида катта шов-шув уйғотди.

Гап шундаки, "олтин очко" қоидасини бекор қилиш керакми ёки йўқми? Мавсум аввалида ПФЛ раҳбарияти бу йилги чемпионат мутлақо янги форматда уюштирилишини эълон қилганди. Дарҳақиқат, олий лига суперлигага ўзгаририлди, клублар сони қисқартирилиб, 12 тага етказилди. Янги форматдаги биринчиликнинг биринчи босқичи якунига етай деб қолди. Шу паллада ПФЛ раҳбариятининг регламент ўзгариши ҳақидаги қарори барча мухлислару мутахассисларни хайратга солди.

ПФЛ раҳбари Омон Ғофуров ОАВ вакил-

лари билан суҳбатда чемпионатнинг иккинчи босқичида "олтин очко" қоидаси туфайли аҳамиятсиз ўйинлар сони кўпайишининг олдини олиш, ҳар бир баҳснинг қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида клубларга регламентни ўзгариш ҳақида фикр билдиришларини сўраб, таклиф юборилганини маълум қилди. Дарҳақиқат, Суперлигадаги барча учрашувларнинг қизиқарли, томошабоп ўтишини таъминлаш ПФЛнинг бош мақсади эканлигини инобатга олиш фойдадан ҳоли эмас.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бу оила бир қарашда ҳавас қилгулик эди. Эр-хотин сал кам йигирма йил бирга яшаб уй қилди, рўзғор бутлади, уч нафар фарзанди бор...

Аммо турмуш доим бир текисда, силлиқ кечмаслиги сир эмас.

...Зайниддин ва Моҳира гарчи бир-бирига кўнгли қўйиб оила қуришган бўлса-да, улар орасида майда-чуйда келишмовчиликлар бўлиб турарди. Оила бошлиғи ишсиз қолганидан аламини кимдан олиши билмадими, хуллас хотини билан сал айтишиб қолганидан ғазаби аланга олиб кетди. Юзига тушган муштдан Моҳиранинг лаби йиртилди, тепкидан оёғи қаттиқ лат еди.

Таниш манзара. Шундай эмасми? Аёлига қўл кўтарадиган бундай эркаклар ён-атрофимизда, маҳалламизда йўқ эмас.

Йигитларимизни биз мард ва баҳодир, деб биламиз. Асл мард эса донишмандлар айтганидек, ўзини енга олган кишидир. Яъни, жahl келганда ундан устун кела олган киши кучли ҳисобланади.

Бундай тушунчани фарзандларимизга гўдаклигидан сингдирсак, ожизага қўл кўтариш ожизлик белгиси эканини англаша оламиз, аслида юқоридаги каби ҳолатлар ҳаётимизда учрамасди. Минг афсуски, тарбияда кўпчилик бу жиҳатларга ҳақиқатан ҳам эътибор қаратмайди.

Жahl устида жуфти ҳалолига қўл кўтариш билан кимдир бирор яхши натижага эришган бўлса бошқа гап эди. Аммо бундай ҳолатларнинг барчаси афсус-надомат билан якун топади.

Суднинг қора курсида ўтирган Зайниддиннинг тавба-тазарру қилишига қараб шундай фикрлар ҳаёлимдан кечди. Бу лаҳзаларда у нафақат қонунда кўрсатилган жазодан қўтилиб қолиши, балки дарз кетган оилани тиклаши, аёлини даволатиши каби ташвишлар гирдобиди ҳам эди. Жahlлини енгганида унга бу ташвишлар, албатта, бегона бўларди.

— Қасддан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятлар Жиноят кодексининг 109-моддасида назарда тутилган, — дейди жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг судьяси Сарвар Орипов. — Судланувчи мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбланган. Мазкур қисм санкциясида энг кам иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача жарима ёки икки йил ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш каби жазолар

назарда тутилган.

Судгача бўлган жараёнда Зайниддин қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, унинг оқибатларини аллақачон англаб етганди. Шу боис у турмуш ўртоғини даволатиб, у билан ярашишга, судда ярашув аҳди тузилишига эришишга астойдил ҳаракат қилди.

Суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчи ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради. Суд жараёнида, албатта, биринчи навбатда

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати

ОЖИЗАГА ҚЎЛ КЎТАРИШ —
ОЖИЗЛИК БЕЛГИСИ

Ёхуд оила меҳрдан обод, зўравонлиқдан эса барбод бўлади

жабрланувчининг хоҳиш-истагига алоҳида эътибор қаратилди. Моҳира ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ҳозирда уй шароитида даволанаётганини ва унга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, аризини ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунигани ҳақида кўрсатма бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-1-моддасига биноан, Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ва судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, судланувчининг айбига иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув жабрланувчининг ўз хоҳиши билан икитий бўлганлиги сабабли жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу тариқа бир оила жар ёқасидан қайтди. Уч

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ
ТОШКЕНТГА ҒАЛАБА БИЛАН
ҚАЙТИШДИ

Эроннинг Ҳамадон шаҳрида деярли бир ой давомида шахмат бўйича Осиё миллиятлар кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Осиёнинг 14 мамлакатидан келган энг маҳоратли спортчилар иштирок этган ушбу турнирда вакилларимиз жами тўққизта медаль — битта олтин, тўртта кумуш ва яна шунча бронза медалларини қўлга киритишди. Турнирда ҳамюртларимиз стандарт, рапид, блиц йўналишларида совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашди. Жавохир Синдоров олтин,

Сарвиноз Қурбонбоева ва Ирина Геворгян кумуш медалларга эга чиқишган бўлса, Севара Боймуродова шахмат ўйинининг учта йўналишида ҳам қанчалар истеъдодли эканини намойиш этди. Нодира Нодиржонова, Абдумалик Абдусалимов, Гулрух-бегим Тохиржоновалар фахрли учинчи ўринга лойиқ кўрилиб, шохсупадан муносиб жой олишди.

ХОТИРА ТУРНИРИ БЎЛИБ
ЎТМОҚДА

Шахмат бўйича Исмаил Шукров хотирасига бағишланган "Karshi open — 2018" турнирида икки юз нафардан зиёд маҳоратли шахматчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этмоқда.

Очиқ турнирда ҳамюртларимиз билан бирга Беларус, Қозоғистон, Молдовия, Россия, Украина ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган иқтидорли шахмат усталари дона суришмоқда.

Иккинчи тур ўйинлари илк натижаларига кўра 13 иштирокчи ғалаба

қозонишга муваффақ бўлди. 11 шахматчи эса дуранг натижа сабабли ярим очкога эга бўлди. Беларуслик Виталий Тетерев ҳамда ўзбекистонлик Али Қосимов баҳси мутахассислар фикрига кўра иккинчи турдаги энг қизиқарли ўйинлардан бири бўлди.

Ботир ХҲАЕВ

фарзанднинг тирик етим бўлишининг олди олинди. Аксинча бўлганида-чи? Унда бир мушт билан бир оила барбод бўлиб кетган бўларди.

Бир оиланинг яна қайта тиклангани қувонарли бўлгани билан, Зайниддиннинг қилмишини асло оқлаб бўлмайди. Энг ёмони, бу каби эрининг зўравонлигидан жабр чеккан аёллар учраб туради. Уларнинг қўп ҳолларда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга интилмагани, оила шавъини ўйлаш туфайли бундай ҳолатлар аксарият ҳолларда сирлигича қолиб кетади.

Оиладаги зўравонликларга барҳам бериш мақсадида қонуниётларимиз айна шу мақсадга қаратилган қонун лойиҳаси тайёрламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлда имзоланган "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Адлия вазирлиги олдида "Маиший зўравонлиқнинг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тўғри, Жиноят кодексига зўравонликка нисбатан, яъни қасддан баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш, ўлдирish ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, қийнаш ва жабрланувчига доимий равишда руҳий босим ўтказиб, уни ўзини ўзи ўлдирish даражасига етказиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима, 240 соатдан 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 1 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 1 йилдан 5 йилгача озодлиқни чеклаш ва 1 йилдан 10 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Айни кунларда Адлия вазирлиги томонидан тайёрланаётган "Маиший зўравонлиқнинг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида оилавий-маиший зўравонликка олиб келаётган барча сабаблар ҳамда унинг ҳар қандай кўринишлари қамраб олинмоқда.

Бош қомусимизда қафолатланган инсон ҳаёти, шавъи, қадр-қиммати олий қадриятлиги оид нормалар янги қонун билан янада мустаҳкамланиши манфаатларимизга, энг муҳими, юртимизда, оила-ларимизда барқарор тинчлик ва фаровонлик қарор топишига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

МАРД ЎҒЛОН ХАЛҚҚА
ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ички ишлар вазирлиги Ёшлар иттифоқи тизимда хизмат қилаётган ёшларни халққа ҳалол хизмат қилиш йўлида фидойилик ва садоқат намунасини кўрсатиб меҳнат қилишга чақирди.

Шу мақсадда ИИБ Ёшлар иттифоқининг етакчилар кенгаши ёш ходимларга Мурожаатнома йўллади.

— Ўзбекистон ёшлари — дунёнинг энг бахтиёр ёшлари, десак муболаға бўлмайди, — дейди ИИБ Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши раиси Хуршид Рўзиев. — Чунки юртимизда ёшлар манфаатлари доимий эътиборда бўлиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Албатта, ёшлар ҳам бунга муносиб бўлишлари шарт.

Ички ишлар органлари сафларида хизмат қилаётган ёш ходим ва ҳарбий хизматчилар, вазирлик таълим муассасалари, ИИБ академик лицейларида таҳсил олаётган курсант ва ўқувчилар Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбияланиб, ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу мақсадларни тўлақонли амалга ошириш, ёшларнинг иқтидорларини юзага чиқариш, муаммоларини ечишга қўмаклашиш, шунингдек, ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди.

Тизимда ёш ходимларнинг дунёқарабини кенгайтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятидан ҳабардор қилиш, одамларнинг ички ишлар органлари ходимлари хизматидан рози бўлишини таъминлашга қаратилган маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик тадбирлар ташкил этиш мунтазамлик касб этган.

Бу йил илк маротаба "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган ёшлар орасида ички ишлар органлари ходимларининг ҳам борлиги, соҳада садоқат билан, ҳалол, виждонан хизмат қилаётган ходимларга берилган баҳо, билдирилган юксак ишонч намунаси бўлди.

Сўнгги йилларда шахсий таркибга муносиб шарт-шароитларни яратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш борасидаги бир қатор фармон ва қарорлар, ички ишлар органларида туб бўрилиш ясаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мурожаатномада қайд этилганидек, соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходим, айниқса, ёшлар шунинг унутмаслиги керакки, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз, аввало, халқимизнинг хизматкоримиз. Эртанги кунимиз порлоқ бўлиши, келажак авлодимиз янада бахтли яшаш учун бугундан ҳар қат қилмоғимиз, бу йўлда садоқат-масъулият-ҳалоллик билан хизмат қилишимиз шарт.

Ёшлар кунини муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшларига йўллаган табриги тизимдаги ёш ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳам эртанги кунга бўлган ишончи ортишига, уларни шарафли қасамдга садоқат билан хизмат қилишга ундади.

Мурожаатномада яна "Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишимиз, амалга оширилаётган эзгу ишлар йўлида ҳалол хизмат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз кундалик фаолиятимизни таҳлил қилиб, шарафли номга муносиб бўлайлик. Бошқа ҳамкасбларимизни ҳам фидойилик ва садоқат билан ишлашга чақирайлик. Талабчанлик ва ишга янгича ёндашуви ҳар биримиз ўзимиздан бошлайлик. Ёшлик куч-ғайратини изланиш ва интилишларга бағишлайлик!", деган сўзлар битилган.

Мурожаатнома якунида "Фидойилик ва садоқат ички ишлар органларидаги барча ёшларнинг асосий шиори бўлсин!", деган хитоб бор.

Эзгу мақсадга қаратилган бундай даъватга нафақат соҳа ходимлари, балки юртимиздаги бошқа барча ёшлар "лаббай", деб жавоб берса арзийди. Зеро, халқимиз юртга ҳалол хизмат қиладиган мард ўғлонларига суянади.

(ЎЗА)

(Газетанинг навбатдаги сони 14 августда чиқади)

Тошкент оқшом

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунинча турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтасига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Ғ-835

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
496 нусхада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 23.35